

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

| | |
|--|----|
| Қ.Бозоров | |
| Анджоннинг суғорилиш тарихига доир мулоҳазалар | 81 |
| У.Усаров | |
| XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги ва ер-сув муносабатлари..... | 85 |
| Б.Шодмонов | |
| Ўзбекистон ёшларга оид давлат сиёсати ва унинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқишининг тарихий босқичлари..... | 90 |

АДАБИЁТШУНОСЛИК

| | |
|--|-----|
| А.Ақбаров | |
| “Кечиккан марҳамат” нинг бадиий ифодаси..... | 98 |
| Г.Қосимова | |
| Мемуар асарда муаллиф услуби ва ифода шакли | 102 |
| Б.Абдурахмонова | |
| Огаҳийнинг “Устина” ғазали матни устида ишлаш | 105 |
| В.Қаюмов, Б.Деҳқонов | |
| У.Ҳамдамнинг “Кўнглимдаги дарё” хикоясида дарё образи..... | 110 |
| О.Солиева | |
| Нишотий мухаммасларининг матний-қиёсий таҳлили (II қисм) | 114 |

ТИЛШУНОСЛИК

| | |
|--|-----|
| Р.Сайфуллаева, П.Бобокалонов, Н.Ҳаятова | |
| Хорижий тилни ўргатишда психонейролингвистик ҳолат ва каноник модели гапларнинг ўрни | 119 |
| З.Алимова | |
| Ўзбек тилига форс-тожик тилидан ўзлашган префикс ва суффикслар хусусида..... | 124 |

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

| | |
|---|-----|
| М.Ахмедова | |
| Тиббиёт олий ўқув юртлари талабаларида чет тилида касбий-коммуникатив компетенцияни шакллантириш масалалари | 128 |
| М.Шокирова, Н.Абдуллаева | |
| Талабаларнинг чет тилида коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг фаолиятга асосланган ёндашуви..... | 132 |
| У.Хайдарова | |
| Талабаларнинг ёзма ишларига билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг аҳамияти | 136 |

ИЛМИЙ АХБОРОТ

| | |
|--|-----|
| Г.Тиллабаева | |
| Ўнг томони номаълум бўлган иккинчи тартибли чизикли оддий дифференциал тенгламалар учун чегаравий масала | 140 |
| В.Расулов, Р.Расулов, Б.Ахмедов, А.Абдухоликов, У.Раимжонова | |
| Яримўтказгичларда эффектив гамильтонианнинг нодиагонал матрицавий элементлари ҳақида | 143 |
| Х.Муйдинов | |
| Қорақалпоғистон шароитида қорамол тери ости бўкаларининг турлари ва тарқалиши | 147 |
| Б.Усманов, Ш.Умурзакова | |
| Бугдой навлари сифатининг физик-кимёвий кўрсаткичлари | 150 |
| Ф.Юлдашев, Д.Обидова | |
| Ёшлар камолотида инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойилларини юксалтиришнинг муҳим жиҳатлари | 153 |
| А.Мамаджанов | |
| Конституция – давлат ҳуқуқий тизимининг асоси | 156 |
| М.Шамсиева | |
| Ижтимоий ҳимоя инсон тараққиёти индексини белгиловчи асосий мезон сифатида | 159 |

УДК: 42/48+378.184

ТАЛАБАЛАРНИНГ ЧЕТ ТИЛИДА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ФАОЛИЯТГА АСОСЛАНГАН ЁНДАШУВИДЕЯТЕЛЬНОСТНЫЙ ПОДХОД В ФОРМИРОВАНИИ ИНОЯЗЫЧНОЙ
КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ У СТУДЕНТОВACTIVITY BASED APPROACH IN DEVELOPING ESP STUDENTS' COMMUNICATIVE
COMPETENCE

М.Шокирова, Н.Абдуллаева

Аннотация

Мақолада нофилологик олий ўқув юртлари талабаларининг чет тилида коммуникатив компетенциясини шакллантиришда фаолиятга асосланган ёндашувдан фойдаланиш масалалари ёритилган. Шу билан бирга тадқиқотда фаолиятга асосланган услубий методлар ҳам таҳлил қилинди.

Annotation

The research article investigated the principles of activity-based approach in teaching English as a foreign language. The objectives of the study were to study the effective methods of activity-based approach in developing communicative competence of ESP students.

Аннотация

Данная статья рассматривает принципы лично-деятельностного подхода в обучении иностранным языкам. Также изучаются эффективные методы лично-деятельностного подхода в формировании иноязычной коммуникативной компетенции у студентов неязыковых вузов.

Таянч сўз ва иборалар: нофилологик олий ўқув юрти талабалари, фаолиятга асосланган ёндашув, касбий фаолиятга йўналтирилганлик тамойили.

Ключевые слова и выражения: студенты неязыковых вузов, деятельностный подход, принцип ориентированности на профессиональную деятельность.

Keywords and expressions: ESP learners, the activity-based approach, professional based approach.

Ватанимиз олимларининг тадқиқотлари ва нофилологик олий ўқув юртларида чет тилини ўқитишда талабалар коммуникатив компетенциясини улар ўрганаётган чет тилида шакллантиришга бағишланган ишларини таҳлил қилган ҳолда, биз талабаларнинг таълим жараёнидаги коммуникатив компетенциясини ўстириш масалалари ва унинг ечимини топиш йўллари устида батафсил тўхталдик.

Нофилологик олий ўқув юртларида чет тилида мулоқот қилишга ўргатишдан кўзланган асосий мақсад талабаларнинг чет тилида коммуникатив компетенциясини ижтимоий, гуруҳли ва шахсий мулоқотга йўналтирган ҳолда шакллантиришдир. Мутахассис тайёрлаш чет тилидаги компетенциясини шакллантириш нуқтаи назаридан олиб борилиши кўп босқичли характерга эга.

Биринчидан, талабаларда ўз-ўзини тарбиялаш, чет тилини ўрганиш зарурлиги

тўғрисидаги тушунча аниқ шакллантирилмоғи лозим. Ушбу босқичда талаба зарур ахборотни чет тили машғулотларида олади.

Иккинчидан, амалий машғулотларда талаба ўзи ҳақидаги диагностик ахборотни олганда ҳар бир талабада коммуникатив малаканинг қандай компонентини шакллантириш зарурлиги аниқ намоён бўлади. Одатда ана шундай диагностика коммуникатив фаолиятга нисбатан талабада туртки ҳосил бўлишига олиб келади.

Учинчидан, талабани заруратдан келиб чиқиб ўқитишнинг фаол методлари (машғулот, тренинг, касбга оид муаммоли вазиятли ўйинлар ва ролли ўйинлар тарзидаги) қўлланиладиган махсус гуруҳларга киритиш ёки бўлмаса, у билан маслаҳатлар бериш тарзида индивидуал шуғулланиш мумкинлиги аниқлаб олинади.

Талабаларни чет тилидаги касбий мулоқотга тайёрлаш қанчалик ранг-баранг бўлса, тажриба ва шунга мувофиқ хусусиятларни шакллантириш шунчалик муваффақиятли кечади ва талаба хорихдаги ҳамкасблари

М.Шокирова – ФарДУ инглиз тили ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси.

Н.Абдуллаева – ФарДУ инглиз тили ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси.

билан бўладиган мулоқотда ўзини эркин тутати.

Мутахассис тайёрлаш масаласига доир ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар чет тилидаги нутқий мулоқотнинг ташкилий, методик, методологик ва назарий томонларини ўз ичига олган бутун бир системани ташкил қилади.

Ушбу мақола улардан айримларининг ечимини топишга бағишланди. Турли соҳалардаги мутахассисларнинг коммуникатив компетенцияга эга бўлиши катта аҳамиятга эга бўлиб, у мутахассисдан чет тилида коммуникатив компетенцияни шакллантириш ва ўстиришни талаб қилади. Бунда субъект-субъектнинг ўзаро ҳамкорлиги етакчи ҳисобланади. Сенситив (сезгига асосланган) тайёргарлик жуда муҳим, унинг асосий вазифаси ўқиш жараёнида адекват мушоҳада юритиш ва бошқа одамларни тушуниш билан боғлиқ бўлиб, у эмпатияни машқ қилдириш, ўз-ўзини тушуниш ва рефлексивликни ўз ичига олади. Субъект-субъектни англаш ҳар доим фаолият билан боғлиқ бўлган. Инсон ўзининг “мен”ини жамоа ва биргаликдаги ишда яхши ҳис қилади. Шунинг учун ҳам турли ролли ўйинлардан чет тили машғулотларида фойдаланиш мумкин. Бу талабада чет тилидаги ўзига зарур бўлган ахборотни олишга бўлган қизиқишини ҳам уйғотади.

В.М.Бехтерев ва Ф.Олпорт жамоа бўлиб ишлаганда ва жамоавий мулоқотда барча руҳий жараёнлар сезиларли даражада ўзгаришини, қайта янгила кечишини эксперимент орқали исботлаб беришган. Айнан шу ҳодиса чет тилида касбий коммуникатив компетенцияга ҳам тааллуқлидир. Шахснинг хусусиятларини ўрганишга қаратилган диспозицион (маълум бир туркум) ҳолат назарий асослари нофилологик олий ўқув юртларидаги таълим ва тарбия жараёнида ҳам ҳисобга олинмоғи зарур. [4]

Нофилологик олий ўқув юртларининг юқори босқичида одоб-ахлоқ муаммосида муаммоли топшириқларни ўз ичига олган предметлар фанлараро алоқаларни ўзида мужассам этган турли интерактив курслар чет тилда коммуникатив компетенцияни шакллантиришга ёрдам беради. [5]

Касбга оид ўйинларни ташкил қилишда шахсда коммуникативлик хислатларни

шакллантиришга эътибор қаратилмоғи лозим, шунингдек, инсонпарварлик ҳар қандай мутахассиснинг энг асосий хусусияти эканлигини ҳам унутмаслик даркор. Бўлғуси мутахассисларни ҳар доим улар танлаган касб эгаси ким, у қандай бўлиши керак, ўзини қандай тутиши, хулқи ва ҳамкасблари билан қандай алоқа ўрнатиши кераклиги ҳамда халқаро мулоқотдаги муносабатлар ҳақидаги масалалар қизиқтириб келган.

Чет тилида коммуникацияга ўргатиш, мулоқот қилиш жараёнида амалга оширилиб, у ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги педагогик фаолиятни бошқарувчи восита ҳамдир. Педагогик фаолиятдаги муваффақият сезиларли даражада ўқитувчи ва талабалар ўртасида шаклланган муносабатларга, шунингдек, ўқув гуруҳидаги талабаларнинг ўртасидаги муносабатларга боғлиқ. Бу ерда ўқитувчининг касбий педагогик мулоқотга оид кўникма ва малакаларини эгаллаганлигини эмас, балки уларни амалиётда чет тилида аниқ амалга ошириш қобилиятига эгалиги ҳам жуда муҳим. Унинг машғулот жараёнида қулай нутқий вазиятни ҳосил қила олиш қобилияти талабаларда чет тилида мулоқот қилишга қизиқиш уйғотиб, уларни ўқув жараёнидаги фаоллигига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Фанларда эришилган ютуқларга асосланиб айтиш мумкинки, нофилологик йўналишларда чет тили ўқитиш коммуникативлик принципи асосида ташкил этилиши ўта муҳим ҳисобланади, чунки ушбу принцип мулоқотнинг ҳар доим нутқий вазиятга боғлиқ ҳолда боришини таъминлайди.

Изланишларимиз нофилологик йўналишларда чет тили ўқитиш мақсади коммуникацияни ўргатишга йўналтирилмаганлигини аниқлади. Ушбу муаммони мулоқот малакасини шакллантиришга асос бўладиган коммуникатив контекстнинг йўқлиги билан изоҳлаш мумкин. Шунинг учун ҳам ўқув материални танлаш касбга йўналтирилган ҳолда олиб борилмоғи зарур.

М.Принс, Т.Харфилд, Н.С.Эдуард, Х.Ж.Шмидт каби тадқиқотчилар тавсия этган чет тилини ўқитиш методларидан аниқланган муаммоларни бартараф қилишда фойдаланиш мумкин. М.Принс ўз тадқиқотида фаолиятга асосланган ёндашувга талабаларнинг чет тили машғулотларида фаол иштирокини таъминлайдиган таълим усули сифатида қарайди. [6] Харфилд ва бошқалар ушбу

ёндашувни барча топшириқларни қатъиятлик билан бажаришга ундайдиган ва ҳеч бир талабани бефарқ қолдирмайдиган метод, деб таъкидлайди. [3] Н.С.Эдуарднинг фикрига кўра, агар бу метод амалий, ҳаётий тажрибаларга асосланса, талабалар эгаллаган билимларини ўзларига тегишли шахсий маълумот сифатида қабул қиладилар ва турли реал вазиятларда синаб кўра оладилар. [2]

Фикримизча, фаолиятга асосланган ёндашувни қўллаш талабаларга бошқа шахслар томонидан турли амалий топшириқларнинг қандай бажарилишини кўриш ва кузатиш имконини беради, бошқача қилиб айтганда, метод мунтазам равишда бошқариладиган ресурслардан фойдаланишни ўз ичига олади. Д.Черчилл тадқиқоти фаолиятга асосланган ёндашув методлари талабаларда интеллектуал соҳа шакллариининг ривожланишига, юқори даражада фикрлаш қобилиятига эга талабаларда эса касбга доир муаммоларга реал ечим топиш, профессионал мулоқот малакаларининг ошишига катта таъсир ўтказишини кўрсатди. [1]

Хулоса қилиб айтганда, нофилологик олий ўқув юртлари талабаларининг чет тилида коммуникатив компетенциясини шакллантириш чет тилининг ўқитишдаги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Нофилологик олий ўқув юртларида чет тилини ўқитишнинг коммуникативликка (мулоқот қилишга) ва касбга йўналтирилганлиги ўқитувчилар олдида чет тилида ўқиш, гапириш, тинглаб тушуниш ва ёзувни ўргатиш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни қўймоқда. Уларнинг ечимига эса мулоқотга ўргатишга, комплекс ёндашув орқалигина эришиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, ўзига хос хусусиятларга эга бўлган чет тилига ўқитиш билан талабанинг касбий билимларининг умумий даражаси, унинг илмий дунёқараши ва фикрлаш фаолияти ўртасида боғловчи ришта бўлиши керак. Прагматикага алоқадор лингвистик восита бўлғуси мутахассис касбининг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда воқеаларни аниқ интерпретация қилиб бериш учун талабаларнинг чет тилидаги мулоқотини ташкил қилиш жараёнида танлаб олинмоғи керак.

Чет тилини ўқитишнинг замонавий ёндашувида тил орқали мулоқотга эмас, мулоқот орқали чет тилига ўргатиш характерли. Бунда аввал мулоқот мақсади, сўнгра эса мавзу танланади. Ахборот беришда уни

шакллантириш ва ифодалаш усули эмас, балки мулоқот мақсади, сўнгра коммуникатив мақсад (истак) амалга оширилади. Ахборотнинг мақсади, яъни “текст”, Г.М.Дридзенинг таърифига кўра, ҳамиша коммуникатив – англаш (билиш)ни ўзида акс эттиришнинг натижасидир. (60, 71-б.) Ўқитувчи ўзининг амалий фаолиятида бўлғуси мутахассиснинг нафақат инглиз тили борасидаги билими, балки унинг ихтисослиги бўйича касбий дунёқарашини шакллантиришга ҳам таъсир қилувчи кучли воситага эга бўлади. Шунингдек, ҳамкасблари билан ўзаро мулоқотдаги муаммоларни англаб тушуниб олиш, атрофда кечаётган воқеа-ҳодисаларни мантиқан таҳлил қилиш, муҳими, ўқиш жараёнида кечаётган ақлий фаолиятни, яъни фикрлашни янада фаоллаштирувчи воситага ҳам эга бўлади.

Илмий мулоқотнинг прагматик аспекти ва стереотипи илмий мулоқот борасида стандартлаш характерига эгадир. Илмий мулоқот фан каби катта ва кичик ижтимоий гуруҳларнинг ва алоҳида шахсларнинг, кадриятларнинг ва профессионал мулоқот нормаларини, шунингдек, инсоннинг тасаввур қилиш хусусиятларини ўз ичига қамраб олган ижтимоий фаолият, жараён ҳисобланади. Инсон фаолиятининг ҳар қандай кўринишини ижтимоий детерминацияси илмий мулоқотнинг турли шакллариини ривожлантириш хусусида гапиришга асос бўла олади.

Шундай қилиб, нофилологик олий ўқув юртлари талабаларининг чет тилидаги коммуникатив компетенцияси ўз ечимини кутаётган муаммолардан ҳисобланиб, уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- чет тилида касбий коммуникацияни шакллантиришда мулоқот қилиш тажрибасининг ролини аниқлаш;

- мутахассиснинг коммуникатив қобилиятларини шакллантиришда шахсга йўналтирилган ёндашувнинг структуравий элементларини аниқлаш;

- мутахассиснинг чет тилидаги мулоқотини ривожлантиришни таъминловчи касбий тайёргарлик воситаларини танлаш самарадорлигини ошириш;

- чет тилида касбий коммуникацияни ривожлантиришда ғоялар, мақсадлар эволюцияси, шакллар ва методларни аниқлаш;

- мутахассиснинг чет тилидаги касбий коммуникациясини шакллантириш ва унинг ақлий фаолиятини чет тили воситаси орқали ривожлантиришдаги касбий фаолиятга

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

йўналтирилганлик принципнинг роли ва ўрнини аниқлаш;

- талабаларнинг касбий тайёргарлигидаги касбга йўналтирилганлик принципларга асосланганлик чет тилида касбий

коммуникацияни шакллантиришнинг назарий-методик асосларини ишлаб чиқиш.

Адабиётлар:

1. Churchill D. Effective design principles for activity-based learning: the crucial role of 'learning objects' in Science and engineering education. Retrieved from <http://www.learnerstogether.net/PDF/Effective-Design-Principles.pdf> on 10 Oct, 2011.
2. Edward N.S. Evaluation of a constructivist approach to student induction in relation to students' learning style. *European Journal of Engineering Education*, 26(4): 2001.
3. Harfield T., Davies K., Hede J., Panko, M. and Kenley R. Activity based teaching for United New Zealand construction students. *Emirates Journal for Engineering Research*, 12 (1) :2007. 57-63. http://ctl.t.jhsph.edu/resources/views/content/files/150/Does_Active_Learning_Work.pdf on 03 Jan, 2012.
4. Krashen, S. *Explorations in language acquisition and use*. Portsmouth, NH: Heinemann. 2003.
5. Lightbown, P. M., & Spada, N. *How languages are learned* (3rd ed.). Oxford, UK: Oxford University Press. 2006.
6. Prince, M. Does active learning work? A review of the Research retrieved from http://ctl.t.jhsph.edu/resources/views/content/files/150/Does_Active_Learning_Work.pdf on 03 Jan, 2012.
7. Schmidt H.G. Problem-based learning: Rationale and description. Retrieved from http://repub.eur.nl/res/pub/2745/eur_schmidt_143.pdf 03 Jan, 2012.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, профессор)